

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

24-сон
(1044)
2022 йил
июнь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

209. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ–779-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

210. «Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 июндаги ПФ–153-сон Фармони

211. «Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги ПФ–154-сон Фармони

212. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортини беришга доир давлат хизмати кўрсатиш тартибини янада содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги ПҚ-282-сон қарори

Бешинчи бўлим

213. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 4 июндаги 19-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги 5-Q/Q-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги 11-2022-сон, Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги 2-сон, Транспорт вазирлигининг 2022 йил 3 июндаги 06-сон «Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3371*)

214. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2022 йил 3 июндаги 01/11-14/18-сон «Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2652-3*)

215. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 9 июндаги 7-мх-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

209 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2022 йил 11 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 13 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»-ги 417–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган 265–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 176-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 1-модданинг:

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир.

Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади.

Агар референдумда қабул қилинган қарорларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, референдумда қабул қилинган қарорлар фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин»;

учинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) 8-модданинг:

биринчи қисми «сиёсий партиялардан» деган сўзлардан кейин «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмидаги «ўн беш кун» деган сўзлар «ўн кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бошқа давлатлардан ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларга мандатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади»;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 июнда эълон қилинган.

3) **9-модда:**

биринчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«референдум участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва овоз бериш қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, овоз бериш бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларига бориши ҳақида референдум ўтказувчи участка комиссиясини камида уч кун олдин хабардор қилиши керак»;

4) **18-модда:**

ўн олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади, бундан референдум ўтказувчи комиссияларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ушбу Қонун билан тартибга солинмаган ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва сайлов тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади»;

5) **19-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Референдум ўтказувчи округ комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ўн кундан кечикмай комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз — ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Референдум ўтказувчи округ комиссиялари аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин етти кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади»;

6) **20-модданинг 11-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади, бундан референдум ўтказувчи комиссияларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно»;

7) **21-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Референдум ўтказувчи участка комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин округ комиссияси томонидан йигирма беш кундан кечикмай беш — ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жум-

ладан комиссия раиси, раис ўринбосари ва котибидан иборат таркибда тузилади.

Референдум ўтказувчи участка комиссияси таркибининг сони зарур бўлган ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида референдум ўтказувчи участка комиссияси раисининг вазифаларини уларнинг раҳбари амалга оширади.

Референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли референдум ўтказувчи округ комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади»;

8) 23-модданинг:

иккинчи қисми қўйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи таркибига кирувчи шахслар референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпини бир ташкилотда ишлайдиган шахслар ташкил этадиган бўлса, улар ушбу комиссия таркибига тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган референдум ўтказувчи участка комиссиялари мустасно»;

учинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

еттинчи қисми чиқариб ташлансин;

саккизинчи қисми еттинчи қисм деб ҳисоблансин;

9) 24-модда:

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Референдум ўтказувчи комиссияларнинг аъзоларига референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасида кўрсатилган миқдорда транспорт, овқатланиш харажатларининг ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида компенсация тўланади»;

тўртинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **бешинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

10) **25-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролар, шунингдек кузатувчилар референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари устидан ушбу қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судга шикоят қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан ке-

йин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, агар референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилади. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга»;

11) **IV бўлим** қуйидаги мазмундаги **25¹-модда** билан тўлдирилсин:

«25¹-модда. Референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби

Референдум ўтказувчи комиссиялар референдумни ўтказиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг ушбу Қонун талаблари бузилганлиги ёки референдумни ташкил этишнинг бошқа масалалари хусусида ўзига келиб тушган мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиши, ушбу мурожаатлар бўйича текширувлар ўтказиши ва уч кунлик муддатда уларга ёзма жавоблар бериши, референдумга камида олти кун қолганида ёки овоз бериш кuni келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқиб, жавоб қайтариши шарт, бундан референдум ўтказувчи комиссияларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно.

Мурожаатлар қайдлов дафтарида рўйхатга олиниши лозим.

Референдум ўтказувчи комиссиянинг раиси мурожаатни кўриб чиқиш ва унга доир қарор қабул қилиш учун тегишли комиссияни ушбу Қонунда белгиланган муддатларда чақиради ва унинг мажлисини ўтказди. Мажлисга манфаатдор шахслар таклиф этилиши мумкин.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига кирмайдиган референдум ўтказувчи участка комиссиясига келиб тушган мурожаат уч кунлик муддатда тегишли органларга мурожаат юборган шахс бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда юборилади.

Мурожаатни кўриб чиққан референдум ўтказувчи комиссиялар аъзолари уни кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаат юборган шахсни хабардор қилиши шарт»;

12) қуйидаги мазмундаги **26¹-модда** билан тўлдирилсин:

«26¹-модда. Чет давлатларда турган фуқароларни овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига киритиш

Чет давлатларда турган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум ўтказувчи участка комиссияларига уларни овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритиш тўғрисида референдумдан ўн беш кун олдин ёзма шаклда ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум ўтказувчи участка комиссиялари чет давлатларда турган фуқароларнинг уларни овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритиш тўғрисидаги мурожаатида кўрсатилган шахсга

доир маълумотларини уч кун ичида текширади ва фуқарони овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритиш ҳақидаги масалани ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум ўтказувчи участка комиссиялари овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни дарҳол Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига тегишли тузатишлар киритиш учун тақдим этади»;

13) 27-модда:

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:
«Чет давлатларда турган фуқароларга овоз берувчи фуқаролар рўйхатидаги ўзига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари расмий веб-сайтлари орқали ҳам таъминланади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш референдумга беш кун қолганида тўхтатилади»;

14) 28-модданинг иккинчи қисмидаги «референдум ўтказувчи юқори комиссияларга ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) 30-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Референдум ўтказувчи участка комиссиялари овоз бериш бюллетенларини референдум ўтказиладиган кунга, шу жумладан муддатидан олдин овоз бериш кунига камида уч кун қолганида округ комиссияларидан олади. Овоз бериш бюллетенлари берилганлиги ва олинганлигини референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби тегишли ҳужжатда ўз имзоси билан тасдиқлайди»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум участкаларидаги овоз берувчилар сони ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси овоз бериш бюллетенларининг тайёрланиши ва етказиб берилишини таъминлайди»;

16) 35¹-модданинг:

иккинчи қисмидаги «тегишли округ комиссияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «ва овоз берувчининг имзоси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

17) қуйидаги мазмундаги **35²-модда** билан тўлдирилсин:

«35²-модда. Фуқаронинг чет давлатда турган жойида овоз бериши

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва чет давлатларнинг ваколатли давлат ҳокимияти органлари билан келишувларга мувофиқ чет давлатларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларда муддатидан олдин овоз бериш фуқаронинг турган жойида ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси ҳузурида тузилган референдум ўтказувчи участка комиссияси фуқароларнинг турган жойида овоз бериш вақти ҳамда жойи тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақда фуқароларни, кузатувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этади.

Фуқароларнинг турган жойида овоз бериши Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси ҳузурида тузилган референдум ўтказувчи участка комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида ўтказилади.

Овоз бериш тугаганидан кейин референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзолари кўчма овоз бериш қутисини очади, унинг ичидаги овоз бериш бюллетенларини санамасдан махсус қопга жойлайди, қопни пломбалайди ва бу ҳақда далолатнома тузади.

Овоз бериш бюллетенлари солинган қоп пломбаланган ҳолда далолатнома билан бирга референдум участкасига олиб борилади ва референдум куни овозларни санаб чиқиш жараёни бошлангунига қадар сақланади»;

18) **37-модда:**

биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«референдум округи бўйича овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган фуқароларнинг умумий сонини»;

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун дарҳол референдум ўтказувчи округ комиссиясининг биносига камида қирқ саккиз соат муддатга осиб қўйилади»;

19) **39-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдум яқунлари бўйича қабул қилинган қарорни референдум ўтказилгандан кейин кўпи билан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва расмий манбаларда эълон қилади.

Референдумда қонун қабул қилинган тақдирда, унинг матни референдум яқунлари бўйича қарор билан бирга эълон қилинади»;

20) **40-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агар референдумда қабул қилинган қарорнинг, қонуннинг мазмунидан бошқача қоида келиб чиқмаса, референдумда қабул қилинган қарор, қонун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан референдум яқунлари расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Референдумда қабул қилинган қарор, шу жумладан қонун шаклида қабул қилинган қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан референдум яқунлари расмий эълон қилинган куннинг ўзида унинг ижросини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади»;

21) **41-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар референдумда қабул қилинган қарорни амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш талаб этилса, давлат ҳокимияти органи референдумда қабул қилинган қарор кучга кирган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу масала бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини ва уларни тайёрлаш муддатини ўз ваколатлари доирасида белгилаши шарт».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида**»ги 706–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда, № 9, 537-модда, 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова) **3-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сайлов округининг ҳудуди бошқа маъмурий-ҳудудий бирлик таркибига ўтказилганда ёки унинг ҳудудида янги маъмурий-ҳудудий бирлик ташкил этилган тақдирда ушбу сайлов округидан сайланган депутатнинг ваколатлари сақлаб қолинади. Бунда депутат сайлов округининг ҳудуди жойлашган халқ депутатлари Кенгаши ёхуд янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирликда шакллантирилган халқ депутатлари Кенгаши таркибига киради, депутатнинг ваколатлари муддати эса мазкур халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари муддатига мувофиқ бўлади»;

иккинчи, учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнда қабул қилинган ЎРҚ–544-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 6, 327-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда, 4-сонга илова, № 6, 518-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модда:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Янги ташкил этилган вилоятнинг халқ депутатлари вилоят Кенга-

шига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округлари сони Сенатнинг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади, янги ташкил этилган туманнинг, шаҳарнинг халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округларининг сони эса тегишли халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмлари талаблари инобатга олинган ҳолда белгиланади.

Янги ташкил этилган вилоятнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округлари Сенатнинг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан, янги ташкил этилган туманнинг, шаҳарнинг халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округлари эса тегишли халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тузилади»;

еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари тегишинча **тўққизинчи, ўнинчи** ва **ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 19-модданинг:

иккинчи ва **учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно, тегишли маҳаллий Кенгашлар томонидан сайловга камида саксон кун қолганда ўн бир — йигирма бир нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади ҳамда ўз ваколатларини кейинги сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингунига қадар амалга оширади.

Янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирликларда халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича вилоят сайлов комиссияси Сенат томонидан, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши сайловини ўтказиш бўйича туман, шаҳар сайлов комиссиялари эса тегишли халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан сайловга камида йигирма беш кун қолганда ўн бир — йигирма бир нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади ҳамда ўз ваколатларини кейинги сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингунига қадар амалга оширади.

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияларининг раислари ушбу комиссия аъзолари орасидан сайлов комиссияси мажлисида тегишли маҳаллий Кенгашнинг тақдимномасига биноан сайланади. Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган тақдирда эса вилоят сайлов комиссияси раиси Сенат томонидан тайинланади»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

3) 88-модда қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирликларда маҳаллий Кенгашларга сайлов Ўзбекистон Республикасида фаолиятини амалга ошираётган бошқа маҳаллий Кенгашлар ваколатларининг тугаш муддатидан ортиқ бўлмаган муддат учун ўтказилади»;

4) 15-боб қуйидаги мазмундаги **93¹-модда** билан тўлдирилсин:

«93¹-модда. Янги ташкил этилган маъмурий-худудий бирликларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови

Янги ташкил этилган маъмурий-худудий бирликларда маҳаллий Кенгашларга депутатлар сайлови маъмурий-худудий бирликларни ташкил этиш тўғрисида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилинганидан кейин икки ой ичида ўтказилади.

Янги ташкил этилган маъмурий-худудий бирликда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари сайлови Марказий сайлов комиссияси томонидан, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови эса тегишли халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва ушбу Кодекснинг талабларига риоя этилган ҳолда ташкил этилади. Бунда сайлов округи сайловга йигирма саккиз кун қолганда, округ сайлов комиссияси сайловга йигирма беш кун қолганда, сайлов участкаси эса сайловга йигирма кун қолганда, участка сайлов комиссиялари сайловга ўн беш кун қолганда тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўн беш кун қолганда тугалланади.

Агар кейинги сайлов кампанияси бошланишига уч ойдан кам вақт қолган бўлса ёки ваколатлари сақлаб қолинган ва янги ташкил этилган маъмурий-худудий бирликнинг халқ депутатлари Кенгаши таркибига кирган депутатлар сони халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашида ўн беш кишини ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашида ўттиз кишини ташкил этса, янги ташкил этилган маъмурий-худудий бирликда маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови ўтказилмаслиги мумкин».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши тўғрисида**»ги ЎРҚ–635-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 8, 492-модда; 2021 йил, № 8, 800-модда) қуйидаги мазмундаги **40¹-модда** билан тўлдирилсин:

«40¹-модда. Маъмурий-худудий тузилиш масалалари ҳал этилаётганда сайлов округларининг чегараларини ўзгартириш

Маъмурий-худудий бирлик ташкил этилган, тугатилган ёки унинг чегаралари ўзгартирилган тақдирда унинг ҳудудида жойлашган сайлов округларини тегишли маъмурий-худудий бирлик таркибига ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда сайлов округларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар маъмурий-худудий бирликларни ташкил этиш, тугатиш ёки уларнинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун киритилгунига қадар, қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 16 июнь,
ЎРҚ-779-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

210 Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари (кейинги ўринларда — саноат зоналари) фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада соддалаштириш, инвестициялар жалб қилиш учун шароитларни яхшилаш, инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлаш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги давлат муассасаси шаклидаги кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекциялар кичик ва ёшлар саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекциялар (кейинги ўринларда — ягона дирекциялар) сифатида қайта ташкил этилсин ҳамда уларга қўшимча равишда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ривожлантириш, улар ҳудудидаги ер майдонлари, бино ва иншоотларни электрон онлайн-аукционга чиқариш вазифалари юклатилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашлари тугатилиб, уларнинг вазифалари тегишинча махсус иқтисодий зоналар дирекцияларига ҳамда ягона дирекцияларга юклатилсин.

3. Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режалари ёки техник-иқтисодий асосларига «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг хулосасини олиш талаби бекор қилинсин.

Бунда, махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этилаётган лойиҳаларнинг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса махсус иқтисодий зоналар дирекциялари томонидан мустақил равишда қабул қилинади.

4. 2022 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

саноат зоналари ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш бўйича қарорлар махсус иқтисодий зоналар дирекциялари ҳамда ягона дирекциялар томонидан ўн иш кунида қабул қилинади;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 июнда эълон қилинган.

махсус иқтисодий зоналар ҳудудида аукционга чиқарилган ер майдонларини ижарага бериш бўйича аукционда бир иштирокчи қатнашган тақдирда ҳам савдолар ўтказилган ҳисобланади;

махсус иқтисодий зоналар ҳудудидаги ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқи махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан кредитлар олишда гаровга қўйилиши мумкин;

саноат зоналарида ер майдонлари ва бино-иншоотларни электрон онлайн-аукцион орқали ижарага беришда бошланғич нархи бўйича тўловларни ўн икки ой муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби татбиқ этилади;

махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг божхона имтиёзлари қўлланилган ҳолда импорт қилинадиган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар рўйхати бўйича мурожаати (келгусида ишлаб чиқариш ва экспорт қилинадиган маҳсулот бирлигида уларнинг сарф нормаларини кўрсатган ҳолда) махсус иқтисодий зоналар дирекцияси томонидан мурожаат келиб тушганидан бошлаб етти иш кўнида тасдиқланади ва электрон равишда Давлат божхона қўмитасига тақдим этилади;

импорт қилинаётган хомашё, материаллар ва бутловчи буюмларнинг ушбу рўйхатга мувофиқлиги ҳамда ҳар ярим йилда рўйхатдаги товарлар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти устидан назорат божхона органлари томонидан амалга оширилади.

5. Ташқи савдо ва логистика ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига махсус иқтисодий зоналар ҳудудида хизмат кўрсатиш йўналишида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ва қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлган ҳолларда иштирокчи мақомини олишга рухсат берилсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига зарур ҳолларда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда, туман (шаҳар)ларда кичик ва ёшлар саноат зоналарини бошқариш дирекцияларини ташкил этиш ҳуқуқини бериш;

махсус иқтисодий зоналар дирекциялари ва ягона дирекцияларга ҳар бир лойиҳа учун алоҳида лойиҳа менежерлари фаолиятини йўлга қўйиш;

махсус иқтисодий зоналар дирекциялари ва ягона дирекциялар раҳбарларига дирекциялар тузилмаларига, зарур ҳолларда, ўзгартириш киритиш ваколатини бериш;

кичик саноат зоналари ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳудудидаги бино-иншоотларни электрон онлайн-аукцион орқали сотишдан тушадиган пул маблағларини ягона дирекцияларга қарашли зоналарда белгиланган тартибда инфратузилма яратиш, уларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтириш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

саноат зоналари имкониятларидан самарали фойдаланиш, уларнинг дирекциялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан амалга оширилади;

махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича инвестиция буюртманомалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими томонидан беш кун муддатда тасдиқланади;

ягона дирекциялар раҳбарларини тайинлаш ҳамда белгиланган тартибда махсус иқтисодий зоналар бош режаларини тасдиқлаш Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан амалга оширилади;

кичик саноат ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарининг бош режалари туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳудудида ер ва бино-иншоот муносабатларини тартибга солиш, шу жумладан уларни хусусийлаштириш масалалари бўйича ҳукумат қарорини тасдиқласин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда инвесторларнинг махсус иқтисодий зоналар дирекциялари ва ягона дирекциялар ҳамда давлат идоралари билан ҳамкорлик жараёнларида «ягона дарча» тамойили асосида хизмат кўрсатиш тизимини жорий қилсин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Кадастр агентлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг:

«Қорақалпоқ-агро» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини тугатиш ҳамда унга ажратилган ер майдонларини кейинчалик ушбу ер майдонларида боғдорчилик ва узумчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун тегишли ҳокимликлар захирасига қайтариш;

фармацевтика соҳасига ихтисослашган махсус саноат зоналари ҳудудларида ушбу зоналарнинг асосий йўналиши бўйича жойлаштирилган ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига зарар етказмайдиган бошқа йўналишдаги корхоналарни ўрнатилган тартибда жойлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Қорақалпоқ-агро» эркин иқтисодий зонаси таркибига кирувчи ер майдонларининг шаҳар ва туманлар ҳокимликлари захирасига қайтарилишини ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 июнь,
ПФ-153-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 13 июндаги
ПФ-153-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5600-сон Фармонида:

а) 1-бандда:

учинчи хатбошидаги «маъмурий кенгашларининг» сўзлари «дирекцияларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «махсус иқтисодий зоналар маъмурий кенгашлари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда импорт қилинадиган ўхшаши бўлмаган технологик ускуналар ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган қурилиш материаллари божхона расмийлаштируви товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» (кейинги ўринларда — Марказ) ДУКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади»;

ўн иккинчи хатбошидаги «ўн беш» сўзлари «беш» сўзи билан алмаштирилсин;

саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн олтинчи хатбошилар тегишинча саккизинчи — ўнинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

б) 3-банднинг «в» кичик банди, 5-банднинг учинчи хатбошиси ва 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3356-сон қарорида 1 ва 4-бандлар, 6-банднинг олтинчи хатбошиси ҳамда 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги «Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4363-сон қарори 6-бандидаги «2022» рақами «2025» рақами билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–4574-сон қарорининг 7-банди қуйидаги мазмундаги «д» кичик банди билан тўлдирилсин:

«д) Кластер худудида ер участкаларини ажратиш уларни Дирекция томонидан электрон онлайн аукционга чиқариш орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5600-сон Фармонида белгиланган тартибда амалга оширилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**211 Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг
очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини
жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Фуқароларнинг ахборотни эркин излаш ва олишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг очиқлик борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда фаолиятини илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида:

1. 2022 йил 1 августдан бошлаб:

Давлат бюджети, шунингдек, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар, шу жумладан истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича уларнинг асосий техник кўрсаткичлари ва бошқа лойиҳа ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритилсин;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарида (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси жорий этилсин.

2. Белгилансинки:

а) Очиқлик индекси қуйидаги индикаторлар асосида баҳоланади:

давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимлар фаолиятининг самарадорлиги;

давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида ахборотларни жойлаштириш ва электрон давлат хизматлари кўрсатиш ҳолати;

ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни қонунчиликда белгиланган ахборот ресурсларида эълон қилиш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимининг йўлга қўйилиши;

бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга оид маълумотларнинг расмий веб-сайтда жойлаштирилиши;

Очиқ маълумотлар порталида маълумотлар жойлаштирилиши;

оммавий коммуникация технологияларининг жорий қилиниши;

коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишда очиқлик тамойилларидан фойдаланиш ҳолати;

жамоатчилик кенгаши фаолиятининг самарадорлиги;

б) Очиқлик индексини баҳолаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 15 июнда эълон қилинган.

Очиқлик индекси «0» баллдан «100» баллгача баҳоланиб, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти самарадорлиги «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифаларга ажратилади;

баҳолаш ҳар йили олдинги йилнинг 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган даврини ўз ичига қамраб олади;

2022 йилда Очиқлик индекси 1 июлдан бошлаб жорий йилнинг иккинчи ярми қамраб олинган давр учун баҳоланади;

Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари ҳар йили 1 апрелга қадар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан «eanticor.uz» электрон платформаси ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилади.

3. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методика 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Агентлик (А. Бурханов) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (А. Абдуллаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларига кўра қуйидаги чораларни кўриб борсин:

а) «яшил» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги ижобий тажрибасини оммалаштириш;

б) «сарик» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишга кўмаклашиш ва амалий ёрдам бериш;

в) «қизил» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларида: очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисида таклиф киритиш;

очиқликни таъминлашда йўл қўйилаётган тизимли камчиликларни ўрганиш, бартараф этиш ҳамда уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

амалга оширилган ишлар ва кўрилган чоралар ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари ҳисоботлари ҳар ярим йилда Олий Мажлис Сенати мажлисларида эшитилади;

баҳолаш натижалари эълон қилинган, бир ой муддатда фаолияти «қизил» тоифада баҳоланган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқлик соҳасида йўл қўйган камчиликлари ва уларни бартараф этиш бўйича режалаштирган чора-тадбирлари юзасидан Ҳукумат тизимидаги давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ахбороти Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида эшитилади.

Ҳукумат тизимига кирмайдиган ташкилотлар раҳбарларининг ахборотини Олий Мажлис Сенати мажлисларида эшитиш ҳамда натижасига кўра тегишли чораларни белгилаш тавсия этилсин.

6. Белгилансинки, Агентликнинг тавсиясига асосан бюджет маблағла-

ри ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан бир йилда бир марта фаолияти «яшил» тоифада баҳоланган давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимлари бир ойлик лавозим маошининг 50 фоизи миқдоридан рағбатлантирилади.

7. Агентлик ҳузурида унинг директори раҳбарлигида масъул давлат органлари ва ташкилотлари вакилларида иборат таркибда Очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш комиссияси ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат органлари ва ташкилотларининг Очиқлик индексини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва Очиқлик индекси бўйича якуний қарор қабул қилиш;

ҳар ярим йилда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар, режалаштирилган лойиҳалар ва чора-тадбирлар ижросини муҳокама қилиб бориш;

таҳлиллар ва кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар кўламини кенгайтириш, сифатини ошириш ва долзарблигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш борасидаги янги лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларни амалга ошириш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш.

8. Агентлик (А. Бурханов) Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Давлат статистика қўмитаси (Б. Бегалов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев) билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

давлат органлари ва ташкилотлари учун ўз расмий веб-сайтида жойлаштирилиши мажбурий бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг намунавий шакллари;

ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни расмий веб-сайтга жойлаштиришда уларни паспортлаш тизимини жорий этиш бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофавий мониторинг қилиш, натижаларини расмийлаштириш ва кўриб чиқиш муддатларини белгиловчи тартибни.

9. 2022 йил 1 июлдан бошлаб Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритилган маълумотларни расмий веб-сайтга жойлаштиришда (эълон қилишда) қуйидаги тартиб белгилансин:

ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар давлат органлари ва ташкилотлари расмий веб-сайтнинг бош саҳифасида алоҳида бўлимга жойлаштирилади;

ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар расмий веб-сайтнинг бошқа саҳифасига (веб-манзилга) жойлаштирилган тақдирда, улар эълон қилинма-

ган деб ҳисобланади ва Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методиканинг баҳолаш мезони бажарилмаган деб топилади.

10. Агентликка давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида қўйидаги қўшимча ҳуқуқлар берилсин:

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига очиқлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантириш эълон қилиш;

очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бузилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан расмий веб-сайт ва бошқа ахборот ресурсларида эълон қилинган очиқ маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳақида сўровнома юбориш.

Белгилансинки, Агентликнинг огоҳлантириш, тақдимнома ва сўровномалари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўн кун муддат ичида кўриб чиқилиши ва натижалари юзасидан ёзма ахборот берилиши шарт.

11. Агентлик (А. Бурханов):

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) билан биргаликда илғор хорижий давлатлар тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда икки ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимлари билан шартномалар тузишда қўллаш учун тавсиявий хусусиятга эга бўлган очиқликни таъминлаш соҳасида қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарликни белгиловчи намунавий шартларни ишлаб чиқсин ва эълон қилсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (А. Абдуллаев) билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар очиқликни таъминлаш бўйича мониторинг ўтказиш, очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш, шунингдек, Очиқлик индексини баҳолаш жараёнларини Ягона идоралараро ахборот тизими (платформа) орқали йўлга қўйилишини таъминласин.

12. Агентлик (А. Бурханов) халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимларини мунтазам ўқитиш ва малакасини ошириш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов)га мазкур Фармоннинг мазмун ва моҳиятини ҳамда Очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Агентлик икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Агентлик директори А.Э. Бурханов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 14 июнь,
ПФ-154-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 14 июндаги
ПФ-154-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг
очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича
МЕТОДИКА**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методика (кейинги ўринларда — Методика) давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлаш бўйича мониторинг ўтказиш, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш орқали Очиқлик индексини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

2. Баҳолаш давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш, баҳолаш, тизимли равишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда очиқ маълумотларни эълон қилишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган механизмларини жорий этиш мақсадида ўтказилади.

3. Баҳолаш ва мазкур фаолиятда иштирок этадиган давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан амалга оширилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Ушбу Методикада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Очиқликни таъминлаш соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш комиссияси — Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг зарур билим ва тажрибага эга юқори малакали мутахассис ва экспертларидан иборат таркибда тузиладиган давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш натижалари бўйича Очиқлик индексини ҳисоблаш ҳақида якуний қарор қабул қиладиган, мувофиқлаштирувчи орган томонидан шакллантириладиган коллегиал орган;

давлат органлари ва ташкилотлари — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари;

индикатор — очиқлик бўйича амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлашда баҳоланиши лозим бўлган асосий кўрсаткич;

мувофиқлаштирувчи орган (ишчи орган) — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

масъул ходимлар — очиқликка оид қонунчилик ҳужжатлари бажарилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси юклатилган давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўлинмалари ходимлари;

мониторинг қилиш ва баҳолаш — индикаторларда белгиланган мезонлар асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликни таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш орқали уларнинг энг юқори натижадан энг паст натижагача сараланган рўйхатдаги ўрнини белгилаш;

баҳолашда иштирок этадиган давлат органлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси.

5. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

қонунийлик — давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолашни қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ амалга ошириш;

бетарафлик — мониторинг ва баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи давлат органларининг ходимлари ўз ваколат ва вазифаларини ҳар қандай давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан қатъи назар, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга ошириши;

холислик — давлат органлари ва ташкилотларининг очиқлик соҳасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни субъектив фикрларнинг таъсир қилишига йўл қўймаган ҳолда амалга ошириш;

махфийликни таъминлаш — давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат, шунингдек, ошкор этилиши натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ёхуд давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни эълон қилишда қонунчиликда белгиланган чекловларга риоя қилиш;

очиқлик ва шаффофлик — мониторинг ва баҳолаш фаолияти ҳақидаги маълумот ва ахборотлардан тўлиқ, ўз вақтида, эркин ва бепул фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда, уларни белгиланган ахборот ресурсларига жойлаштириш;

ишончилилик — мувофиқлаштирувчи органнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашда очиқ эълон қилинган маълумотларнинг ишончилигини тасдиқловчи қўшимча материалларни талаб қилиб олиши, уларнинг ҳаққонийлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда мустақил манбалар орқали ўрганишни амалга ошириши.

6. Баҳолаш мазкур Методикага 1 — 8-иловаларда* келтирилган алоҳида мезонлардан ташкил топган индикаторлар асосида амалга оширилади.

2-боб. Мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби

7. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги Агентлик томонидан мониторинг қилиб борилади.

8. Давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлик ва натижадорлик даражаси Методикага тегишли иловалар бўйича қуйидаги масъул давлат органлари томонидан баҳолаш индикаторлари ва мезонлари асосида баҳоланади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги — Методикага 1-иловада назарда тутилган мезонлар бўйича;

Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси — Методикага 2-иловада назарда тутилган мезонлар бўйича;

Агентлик — Методикага 3, 6 — 8-иловаларда назарда тутилган мезонлар бўйича;

Молия вазирлиги — Методикага 4-иловада назарда тутилган мезонлар бўйича;

Давлат статистика қўмитаси — Методикага 5-иловада назарда тутилган мезонлар бўйича.

9. Баҳолашда тўпланган баллар расмий веб-сайт, Очиқ маълумотлар портали, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалар, махсус дастурий таъминот ва унинг мобил иловалари ҳамда бошқа ахборот ресурсларида жой-

* 1 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаштирилган (қонунчилик ҳужжатлари, индикатор ёки баҳолаш мезонида ахборот ресурси аниқ кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно) статистик ва таҳлилий маълумотлар, шунингдек, жорий этилган механизм ҳамда плат-формаларни инobatга олган ҳолда ҳисобланади.

10. Ахборот ресурсларида янгилаб боришнинг аниқ муддати қонунчилик ҳужжатлари асосида белгиланмаган тақдирда, маълумотларни янгилаб боришнинг охириги муддати қуйидаги тартибда ҳисобланади:

доимий (мунтазам) янгилаб бориладиган маълумотлар — бир суткадан кечиктирмай;

ҳар ойда янгилаб бориладиган маълумотлар — кейинги ойнинг бешинчи санаси;

ҳар чоракда янгилаб бориладиган маълумотлар — ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санаси;

ҳар ярим йилликда (ҳар олти ойда) янгилаб бориладиган маълумотлар — ҳар олти ой якунидан кейинги ойнинг ўн бешинчи санаси;

ҳар йиллик (бир йилда бир маротаба) янгилаб бориладиган маълумотлар — ҳар йил якунидан кейинги йилнинг 20 февраль санаси.

11. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар самарадорлиги ва натижадорлигининг рейтингини Агентлик (ишчи органи) томонидан аниқланади.

Бунда, рейтинг ҳар йили олдинги йилнинг 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган даврни ўз ичига қамраб олади.

12. Индикаторлар кесимида тўпланган балларни ҳисоблаш баҳолашда иштирок этадиган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Баҳолашда иштирок этадиган давлат органлари ўзлари масъул бўлган индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини мазкур Методикага 9-иловадаги* схемага асосан мувофиқлаштирувчи органга ҳар йили 10 мартга қадар расмий тартибда юборади.

Тўпланган балларни ҳисоблаш натижаларининг ҳаққонийлиги ёки асослилигига шубҳа уйғотувчи ҳолат мавжудлиги аниқланган тақдирда, улар мувофиқлаштирувчи орган томонидан қайта ўрганиб чиқилиши мумкин.

13. Агентлик ҳар йили 20 мартга қадар барча индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини давлат органлари ва ташкилотлари кесимида умумлаштириб, Очиклик индексини ҳисоблаш натижаларини кўриб чиқиш учун Очикликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш комиссиясига (кейинги ўринларда — Баҳолаш комиссияси) тақдим этади.

Агентлик Баҳолаш комиссияси ихтиёрига Очиклик индексини ҳисоблаш натижалари билан бирга қуйидагиларни қамраб олган ўз хулосасини тақдим этади:

баҳолаш йилида очикликни таъминлаш соҳасида юқори самарадорликка эришган давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг амалиётга самарали жорий этган ижобий иш тажрибаси;

* 9-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юқори самарадорликка эришган давлат органлари ва ташкилотларининг масъул ходимларини рағбатлантириш бўйича таклифлар;

баҳолаш йилида энг паст натижаларни қайд этган давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг индикатор ва мезонлар кесимида ижро этмаган кўрсаткичлари ҳамда йўл қўйган камчиликлари таҳлили;

камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш ва уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилаш бўйича ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар дастури бўйича таклифлар;

чуқур таҳлиллар асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликни таъминлаш фаолиятида йўл қўйиб келинаётган ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, соҳада илғор халқаро стандартларни кенг жорий этиш орқали самарадорлик ҳамда натижадорликни янада ошириш чоралари бўйича таклифлар;

жорий йилда очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, режалаштирилган лойиҳалар, ҳудуд ва тармоқларга мазкур фаолиятга тааллуқли дастурларини юқори савияда ижро қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар.

14. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари Баҳолаш комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

15. Баҳолаш комиссияси таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

16. Агентлик директори Баҳолаш комиссиясининг раиси ҳисобланиб, унинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

17. Баҳолаш комиссияси камида етти нафар аъзодан иборат таркибда Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг тавсияси асосида Агентлик директори томонидан тасдиқланади.

18. Баҳолаш комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сони баҳолаш йўналишлари ҳамда индикатор кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари инobatга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

19. Баҳолаш комиссияси аъзолари холис бўлиши ва баҳолаш яқунларидан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

20. Баҳолаш комиссияси ишига раис раҳбарлик қилади. У Баҳолаш комиссиясининг регламентини тасдиқлайди, мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ташкиллаштиради ва қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек, Баҳолаш комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Баҳолаш комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

21. Баҳолаш комиссияси раисининг ўринбосари Агентлик директорининг тавсияси билан комиссия қарори асосида тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

22. Баҳолаш комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган котиби ташкил этади.

23. Қоидага кўра, Баҳолаш комиссияси котиби Агентлик масъул ходимлари орасидан комиссия қарори асосида тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

24. Баҳолаш комиссиясининг ишчи органи вазифа ва ваколатлари Агентлик томонидан амалга оширилади.

25. Баҳолаш комиссиясининг ҳар бир аъзоси Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари бўйича овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Баҳолаш комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас.

26. Баҳолаш комиссиясининг мажлислари аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади.

27. Баҳолаш комиссияси давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индекси юзасидан якуний қарорни очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилади.

28. Баҳолаш комиссияси мажлисларига баҳолаш жараёнида юзага келган ноаниқлик ва бошқа зарур деб топилган ҳолларда вазирлик ва идораларнинг экспертлари, шунингдек, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

29. Баҳолаш комиссияси қарори комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

30. Овозлар тенг бўлганда, Баҳолаш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

31. Баҳолаш комиссияси қарорлари унинг аъзоларининг камида ярми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

32. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индекси ҳар йил якунларига кўра (кейинги йилнинг 1 апрелига қадар) Агентлик томонидан «eanticor.uz» электрон платформаси ва оммавий ахборот воситалари орқали очиқ эълон қилинади.

33. Агентлик Баҳолаш комиссияси қарори билан тасдиқланган давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари ва таҳлилий маълумотларини ҳар йили 15 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

3-боб. Очиқлик индексини ҳисоблаш тартиби

34. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражаси аниқланадиган индикаторлар миқдорига қараб «0» баллдан «100» баллгача баҳоланиб, Очиқлик индекси «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифаларга ажратилади.

35. Индикаторларни баҳолаш натижаларига мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражаси рейтинг бали бўйича:

71 баллдан 100 баллгача бўлганда — «яшил»;

55 баллдан 71 баллгача бўлганда — «сарик»;

55 баллдан паст бўлганда — «қизил» деб топилади.

36. Баҳолаш индикаторлари бўйича баллар қуйидагича тақсимланади:

биринчи индикатор — максимал 10 балл;

иккинчи индикатор — максимал 25 балл;

учинчи индикатор — максимал 21 балл;

тўртинчи индикатор — максимал 6 балл;

бешинчи индикатор — максимал 10 балл;

олтинчи индикатор — максимал 4 балл;

еттинчи индикатор — максимал 16 балл;

саккизинчи индикатор — максимал 8 балл;

37. Якуний балл мазкур Методиканинг 2-бобида кўрсатилган индикаторлардаги балларни бир-бирига қўшиш орқали аниқланади.

4-боб. Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар

38. Баҳолаш комиссияси баёни билан:

«яшил» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш борасидаги ижобий тажрибасини оммавий ахборот воситалари орқали оммалаштириш чора-тадбирлари амалга оширилади;

«яшил» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг масъул ходимларини бюджет ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан бир ойлик лавозим маошининг 50 фоизи миқдориди (бир марталик) рағбатлантириш бўйича таклиф киритиб борилади;

«сарик» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишда кўмаклашиш ва амалий ёрдам бериш чоралари кўрилади;

«қизил» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг масъул ходимларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақида таклиф киритиб борилади;

очиқликни таъминлашда тизимли равишда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади.

5-боб. Якунловчи қоида

39. Ушбу Методика талабларини бузган айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**212 Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортини беришга доир давлат хизмати кўрсатиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва беришга доир давлат хизмати кўрсатиш тартибини янада соддалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6269-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш бўйича давлат хизматлари (кейинги ўринларда — давлат хизмати) 2022 йил 1 январдан бошлаб ички ишлар органлари, Давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали кўрсатилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги консуллик муассасасида консуллик рўйхатида турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш, бериш ва алмаштиришга оид давлат хизматлари Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги 49-сон қарори билан тасдиқланган Консуллик рўйхатида турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисида низомга асосан амалга оширилади.

3. Давлат хизматини кўрсатиш учун Давлат персоналлаштириш маркази бир ой муддатда биометрик паспортни расмийлаштириш ва бериш тизимини «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали қуйидаги ахборот тизимларига интеграция қилинишини таъминласин:

а) Адлия вазирлиги билан биргаликда:

«ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимига — никоҳ ва оила аъзолари, вафот этганлик, ёлғиз она ёки ёлғиз ота ҳақидаги маълумотларни олиш учун;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 июнда эълон қилинган.

«Нотариус» ахборот тизимига — васийлар ва ота-оналарнинг розилигини, ҳамроҳлик қилувчи шахснинг мажбуриятини текшириш учун;

б) Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда:

«Тезкор маълумотлар» ахборот тизимига — судланганлик, маъмурий назоратда турганлик, шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо ва шартли ҳукм қўлланилганлик, шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлик ҳолатларини текшириш учун;

«Манзил» ахборот тизимига — ота-онадан бирининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги доимий яшаш жойи бўйича рўйхати хорижга доимий яшашга кетганлиги муносабати билан бекор қилинганлигини текшириш учун;

в) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда «Ягона миллий меҳнат тизими» ахборот тизимига — охириги беш йилда ишлаган жойи ҳақидаги маълумотларни олиш учун;

г) Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан биргаликда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га — ушбу ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар тоифасига аниқлик киритиш учун;

д) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда «ТИЭК» ахборот тизимига — I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар тоифасига аниқлик киритиш учун.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 августга қадар:

давлат хизматининг ушбу қарор талабларини инобатга олган ҳолда ЯИДХП ва Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилишини амалиётга тўлиқ жорий қилсин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

Давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божи суммаси ҳисобини юритувчи ягона биллинг тизими орқали электрон тарзда тўланиши имкониятини яратсин.

5. 2023 йил 1 январга қадар Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлар киритилсин:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Молия вазирлиги билан биргаликда — Марказнинг ҳамда биометрик паспорт тизими иштирокчиларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш, илғор хорижий давлатлар тажрибасини қўллаган ҳолда, хорижга чиқиш биометрик паспортининг биографик ва биометрик маълумотлари киритилган иккинчи бетини поликарбонат варағи асосида персоналлаштиришни йўлга қўйишни, заруратга кўра, республиканинг айрим маъмурий-ҳудудий бирликларида хорижга чиқиш биометрик паспортларини чоп этишга ихтисослашган филиаллар ташкил этишни;

Ички ишлар вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда — «Жиноятларни ва уларни содир этган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона ахбо-

рот тизими»нинг дастурий таъминотини тўлиқ модернизация ва интеграция қилиш орқали сўровларга жавобни автоматик тарзда олиш имкониятини яратишни, туман ва шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлинмаларнинг «Хорижга чиқиш биометрик паспорти» тизими билан боғлиқ бўлган моддий-техника базасини такомиллаштиришни;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Молия вазирлиги билан биргаликда — хорижга чиқиш биометрик паспортлари белгиланган муддатда етказиб берилишини таъминлаш учун Давлат фельдъегерлик хизматининг моддий-техника базасини такомиллаштиришни.

6. Адлия вазирлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартибига риоя этилиши бўйича, жумладан ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

давлат хизматлари кўрсатиш тартиби бузилган ҳолларда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазоларни қўлласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4079-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 16 июнь,
ПҚ–282-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 16 июндаги
ПҚ–282-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
26 декабрдаги ПҚ–4079-сон қарори билан тасдиқланган
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандда:

а) ўн бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**маълумотларни йиғиш пункти** — хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш учун мурожаат қилган фуқароларнинг биографик маълумотларини ва биометрик параметрларини жамлаш, ушбу маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига (кейинги ўринларда — ДПМ) юбориш ҳамда фуқароларга янги расмийлаштирилган биометрик параметрли паспортларни бериш вазифаларини бажарувчи ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиналари ҳамда туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказлари»;

б) қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«**хизматдан фойдаланувчи** — хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва олиш учун мурожаат этган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (доимий яшаш жойи бўйича рўйхати бекор қилиниб, хорижга доимий яшашга чиқиб кетган ва доимий консуллик рўйхатида турадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бундан мустасно)».

2. 4-банд қуйидаги таҳрирдаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Консуллик рўйхатида турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш, бериш ва алмаштиришга оид давлат хизматлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибга асосан амалга оширилади».

3. Қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқишда;

илгари хорижга чиқиш биометрик паспорти билан ҳужжатлаштирилмаган, консуллик рўйхатига олинган фуқаролар хорижда бўлганида;

фарзанд хорижда туғилганида;

хорижга чиқиш биометрик паспортининг амал қилиш муддати тугаганида;

фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, жинси ўзгарганида;

ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар мавжудлиги аниқланганида;

маълумотлар ёки визалар учун мўлжалланган бетлар ишлатилиб бўлинганида;

хорижга чиқиш биометрик паспорти бланкаси яроқсиз ҳолга келганида;
хорижга чиқиш биометрик паспорти йўқотиб қўйилганида;
суд ажрими билан хорижга чиқиш биометрик паспортнинг амал қилиши тўхтатиб турилганда;
хорижга чиқиш биометрик паспорти ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида;
илгари берилган хорижга чиқиш биометрик паспортини муддатидан олдин алмаштириш бўйича мурожаат этилганда».

4. 7-банд:

а) учинчи хатбошидаги «16 ёшгача» сўзлари «25 ёшгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) тўртинчи хатбошидаги «16 ёшдан» сўзлари «25 ёшдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Амал қилиш муддати тугаган ёки яроқсиз ҳолатга келган, аммо ичига қўйилган хорижий давлатларга кириш визаларининг амал қилиш муддати тугамаган хорижга чиқиш биометрик паспортлари қайта расмийлаштирилган тақдирда, хизматдан фойдаланувчининг сўровига кўра маълумотларни йиғиш пункти ходими томонидан ушбу паспортга бекор қилинганлигини ифодаловчи махсус белги қўйилган ҳолда, янги хорижга чиқиш биометрик паспорти билан бирга эски хорижга чиқиш биометрик паспорти ҳам қайтариб берилади».

5. 2 ва 3-боблар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«2-боб. Хорижга чиқиш биометрик паспортини
расмийлаштириш ва бериш бўйича давлат хизматини
кўрсатиш тартиби**

15. Хизматдан фойдаланувчиларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ схемага асосан маълумотларни йиғиш пунктида амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш бўйича давлат хизмати фақат миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан кўрсатилади:

фуқаро доимий яшаш учун чет элга чиқиб кетаётганда;

ушбу Низомга мувофиқ, хорижга чиқиш биометрик паспортлари вазирликлар ва идораларнинг ёзма илтимосномалари асосида расмийлаштирилиши шарт бўлган ҳолларда;

хорижга чиқиш биометрик паспорти суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан ашёвий далил сифатида олиб қўйилганда;

хорижга чиқиш биометрик паспортнинг амал қилиши суд ажрими билан тўхтатиб турилганда.

16. Хизматдан фойдаланувчилар хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш учун доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтган манзилдан қатъи назар, экстерриториаллик тамойили асосида исталган маълумотларни йи-

ғиш пунктига ўзи келиб ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП)дан рўйхатдан ўтади.

17. Кекса, ўзгалар парваришига мухтож ёки ногиронлиги бўлган шахсларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва беришга оид хизматлар тегишли мурожаатга асосан, бевосита доимий яшаш ёки турган жойига чиқиш орқали амалга оширилади.

18. Хизматдан фойдаланувчилар хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш юзасидан маълумотларни йиғиш пунктига ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, маълумотларни йиғиш пункти ходимлари томонидан фуқаро номидан электрон тарзда, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса мустақил равишда ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

19. 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун сўровнома ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шаклда тўлдирилади.

20. Фуқаролар хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш юзасидан сўровномани ЯИДХП орқали электрон тарзда юборганда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди, ушбу Низомнинг 22-банди бешинчи ва еттинчи хатбошисига назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хизматдан фойдаланувчи сўровномани ЯИДХП орқали юбориш чоғида ўзига қулай бўлган маълумотларни йиғиш пунктини (хизматдан фойдаланувчининг юзини рақамли форматда расмга олиш ва қўл бармоқларининг электрон изларини тўплаш ишларини амалга ошириш учун) танлайди.

Хизматдан фойдаланувчи сўровнома ЯИДХП орқали юборилган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида маълумотларни йиғиш пунктига ташриф буюрмаган тақдирда, ушбу сўровнома кўриб чиқилмайди.

21. Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш бўйича сўровнома маълумотларни йиғиш пункти ходими томонидан тўлдирилгач, ундаги маълумотларнинг тўғри эканлиги хизматдан фойдаланувчи томонидан электрон рақамли имзо, у бўлмаганда эса, имзони идентификация қилишнинг бошқа замонавий воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) орқали тасдиқланади.

22. Давлат хизматини кўрсатишда сўровнома ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатлардан (биометрик паспорт ёки ID-карта) бошқа ҳужжатлар талаб этилишига йўл қўйилмайди, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

илгари берилган хорижга чиқиш биометрик паспортини муддатидан аввал алмаштириш бўйича мурожаат этган тақдирда — илгари берилган хорижга чиқиш биометрик паспортининг асл нусхаси;

хорижга чиқиш биометрик паспорти ашёвий далил сифатида олиб қўйилган ҳолларда — ваколатли органнинг қарори нусхаси;

хорижга чиқиш биометрик паспортининг амал қилиши суд ажрими билан тўхтатиб турилганида — процессуал мажбурлов чораси бекор қилинганлиги ҳақида ваколатли органнинг қарори нусхаси;

вояга етмаган шахслар учун — ота-оналари ёки васийлар (ҳомийлар)нинг фуқаронинг хорижга чиқишига нотариал тасдиқланган розилиги, ота-оналарнинг ҳар иккиси маълумотларни йиғиш пунктига бевосита мурожаат қилган ҳоллар бундан мустасно. Сўровнома ЯИДХП орқали юборилганда, ота-оналар ёки васийлар (ҳомийлар)нинг нотариал тасдиқланган розилиги талаб этилмайди. Бунда, ота-оналар ёки васийлар (ҳомийлар)нинг розилиги фақат электрон рақамли имзони қўллаш орқали амалга оширилади;

вояга етмаган шахслар учун — фуқарога ҳамроҳлик қилувчи шахснинг нотариал тасдиқланган мажбурияти (ҳамроҳлик қилувчи шахс вояга етмаганнинг отаси ва (ёки) онаси ёхуд васий ёки ҳомийси бўлган ҳоллар бундан мустасно);

15 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар ота-оналар, васийлар (ҳомийлар)нинг вояга етмаган шахснинг мустақил равишда хорижга чиқишига нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда, хорижга кузатувчисиз чиқиши мумкин. Ота-оналар, васийлар (ҳомийлар)нинг вояга етмаган шахснинг мустақил равишда хорижга чиқишига розилиги, улар бевосита маълумотларни йиғиш пунктига ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилган тақдирда, нотариал тасдиқланиши талаб этилмайди. Сўровнома ЯИДХП орқали юборилганда ота-оналар ёки васийлар (ҳомийлар)нинг розилиги фақат электрон рақамли имзони қўллаш орқали амалга оширилади.

23. Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштиришда маълумотларни йиғиш пункти томонидан электрон тизим орқали тегишли мудофаа органлари реал вақт режимда хабардор қилинади.

24. Сўровномага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ахборот тизимлари ёрдамида автоматик равишда текширилади.

25. Автоматлаштирилган тизим орқали сўровномага киритилган маълумотларнинг тўғрилиги тасдиқлангач, маълумотларни йиғиш пункти масъул ходими хизматдан фойдаланувчига қонунчиликда белгиланган давлат божини тўлаш бўйича инвойс тақдим этади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинган ҳолларда эса, тўлов инвойси автоматик тарзда хизматдан фойдаланувчининг шахсий саҳифасига келиб тушади.

26. Хизматдан фойдаланувчи томонидан давлат хизмати учун тўловлар инвойс рақами келиб тушган вақтдан бошлаб 1 ой муддат ичида амалга оширилади.

Тўлов белгиланган муддатда амалга оширилмаган мурожаатлар кўриб чиқилмайди.

27. Хорижга чиқиш биометрик паспорти берилганлиги учун «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунда белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда давлат божи суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизмати «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган

шахсларга кўрсатилганда, давлат божи суммасининг 50 фоизи микдориди чегирма кўлланилади.

Давлат божи тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари, шу жумладан Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

28. Фуқаролар «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, қуйидаги ҳолларда хорижга чиқиш биометрик паспорти берилганлиги учун давлат божини тўлашдан озод қилинади:

яқин қариндошлари вафот этган ёки улар дафн этилган жойларни зиёрат қилганда;

фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга (битимларга) биноан улар хориж судларига фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан тарафлар, гувоҳлар ва экспертлар сифатида чақирилган тақдирда;

вояга етмаган шахсга, шунингдек унга ҳамроҳлик қилувчи шахсга хорижий давлатда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилганда ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилганда;

вояга етмаган шахс илм-фан, таълим, спорт ёки маданият соҳаларидан биридаги халқаро тадбирда ёки мусобақада иштирок этганда;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган шахсга, шунингдек, унга ҳамроҳлик қилувчи шахсга хорижий давлатда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилганда ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилганда;

биометрик паспорт Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёниши, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги натижасида жабрланган жисмоний шахслар томонидан йўқотилган ёхуд ярқисиз ҳолга келганда.

Бунда, ушбу ҳолатларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар (яқин қариндоши эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, яқин қариндоши хорижий давлатда дафн этилганлигини тасдиқловчи ваколатли орган томонидан берилган ҳужжат, хорижий давлатлар судининг тегишли ҳужжати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган йўлланма, фуқаронинг халқаро тадбир ёки мусобақага юборилаётганлиги тўғрисида масъул ваколатли давлат органининг маълумотномаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган, гербли муҳр билан тасдиқланган ёнғин содир бўлганлиги ҳақидаги далолатнома ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар) сўровномага илова қилинади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан хорижга хизмат сафарига юбориладиган фуқароларнинг хорижга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар учун давлат божи белгиланган тартибда ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тўланади.

29. Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) хизматдан фойдаланувчи Марказга ўзи келиб мурожаат қилганда:

40 фоизи — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлашти-

риш марказининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварафига ўтказилади;

10 фоизи — Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварафига ўтказилади;

қолган маблағлар — Давлат бюджетига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

40 фоизи — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварафига ўтказилади;

10 фоизи — ЯИДХП орқали шакллантирилган сўровнома бўйича хизматдан фойдаланувчи танлаган маълумотларни йиғиш пункти туридан келиб чиқиб, тегишлича Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварафига ёки Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварафига ўтказилади;

11,75 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварафига ўтказилади;

қолган маблағлар — Давлат бюджетига ўтказилади;

в) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари орқали мурожаат қилинганда:

40 фоизи — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварафига ўтказилади;

10 фоизи — Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварафига ўтказилади;

қолган маблағлар — Давлат бюджетига ўтказилади.

30. Тўлов муваффақиятли ўтгандан сўнг, хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш бўйича шакллантирилган сўровнома қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириш учун ахборот тизими орқали Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати органлари ва ДПМга юборилади:

Ички ишлар органларига — судланганлик, маъмурий назоратда турганлик, шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо ва шартли ҳукм қўлланилганлик, шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлик ҳолатларини, ҳужжат ва шахс текшируви ҳамда шахсни идентификация қилиш бўйича текширувлардан ўтказиш учун;

Давлат хавфсизлик хизмати органларига — мурожаат этувчининг хорижга чиқиш биометрик паспортини беришга доир хизмат кўрсатишни рад этувчи, ушбу низомда назарда тутилган асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириш учун;

ДПМга — хорижга чиқиш биометрик паспортини чоп этиш ва маълумотларни йиғиш пунктига юбориш учун.

31. Маълумотларни йиғиш пункти томонидан хорижга чиқиш биометрик паспорти хизматдан фойдаланувчи мурожаат этиб, тегишли тўловларни амалга оширган кундан бошлаб, ЯИДХП орқали мурожаат қилинган

ҳолларда эса, маълумотларни йиғиш пунктида хизматдан фойдаланувчининг биографик маълумотларини, қўл бармоқларининг электрон изларини (16 ёшдан катта шахслар учун) тўплаш, юзни тўғридан рақамли форматда расмга олиш ишлари амалга оширилган пайтдан бошлаб, ўн иш куни (16 ёшдан 25 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қўшимча ўрганишлар талаб этиладиган алоҳида ҳолларда — бир ой) ичида тақдим этилади.

32. Фуқаро давлат хизматини кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида ушбу хизматдан фойдаланишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Хизматдан фойдаланувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади ҳамда амалга оширилган тўлов суммаси хизматдан фойдаланувчига қайтарилмайди.

33. Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқаросига хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш чоғида қуйидаги ҳолатларда ота-онадан бирининг розилиги талаб қилинмайди:

ота-онанинг бири вафот этганда;

боқувчиси ёлғиз она бўлган ҳолларда;

боланинг ота-онасидан бири хориж фуқароси бўлганида;

ота-онадан бири суд томонидан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган, бедарак йўқолган деб топилган ёхуд муомалага лаёқатсиз деб топилганида;

ота-онадан бирининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги доимий яшаш жойи бўйича рўйхати хорижга доимий яшашга кетганлиги муносабати билан бекор қилинганида.

Мазкур банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар маълумотларни йиғиш пункти ходимлари томонидан «ФХДЁ-нинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали, олтинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар эса Ички ишлар вазирлигининг «Манзил» ахборот тизими орқали мустақил равишда текширилади.

Ушбу банднинг бешинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатларни тасдиқлаш учун тегишли суд қарорининг нусхаси тақдим этилади.

34. Вояга етмаган шахсларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш хизмати юзасидан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида чиққан ҳар қандай низолар суд тартибида ҳал қилинади.

35. Ота-онанинг бири ўз боласининг хорижга чиқишига рози бўлмаган тақдирда, унинг хорижга чиқиш ҳуқуқини чеклаш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

36. 16 ёшга тўлмаган шахслар номидан уларнинг ота-оналари, васийлари (ҳомийлари), ушбу шахсларни хорижга юбораётган ташкилотларнинг вакиллари мурожаат қилади.

37. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида маълумотларни йиғиш пункти хизматдан фойдаланувчининг биографик маълумотларини, қўл бармоқларининг электрон изларини (16 ёшдан катта шахслар учун) тўплайди, юзни тўғридан рақамли форматда расмга олади ва хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш бўйича электрон талабномани шакл-

лантиради. Талабнома электрон шаклда автоматик тарзда ДПМга жўнатилади.

38. Хизматдан фойдаланувчи ўз ихтиёрига кўра давлат хизматини кўрсатишнинг тегишли босқичлари (мурожаат қабул қилиниб, тўлов учун инвойс ҳамда тайёр бўлган хорижга чиқиш биометрик паспортнинг маълумотларни йиғиш пунктига етказилганлиги) ҳақида автоматик равишда смс-хабар йўллаш орқали хабардор қилиб борилиши мумкин.

Давлат хизматини кўрсатишнинг тегишли босқичлари ЯИДХП ёки ДПМнинг расмий веб-сайти орқали текшириб олинади.

39. ДПМ тайёр бўлган хорижга чиқиш биометрик паспортини уни расмийлаштириш учун ДФХ орқали талабнома юборган маълумотларни йиғиш пунктига топширади.

Маълумотларни йиғиш пункти хорижга чиқиш биометрик паспортини қабул қилиб олган куннинг ўзида хизматдан фойдаланувчини паспортни олиб кетиш мумкинлиги ҳақида хабардор қилади.

40. Тайёр бўлган хорижга чиқиш биометрик паспорти фақатгина хизматдан фойдаланувчининг ўзига тақдим этилади ҳамда тақдим этилганлиги кўл бармоқларининг электрон изларини (16 ёшдан катта шахслар учун) солиштириш орқали верификация қилинади.

40¹. 16 ёшга тўлмаган шахснинг хорижга чиқиш биометрик паспорти унинг ота-оналарига, васийлари (хомийлари)га, хорижга чиқиш биометрик паспорти бериш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилган ташкилотларнинг вакилларига тақдим этилади.

40². Фуқаро ва қонуний вакиллар хорижга чиқиш биометрик паспортини авайлаб сақлаши шарт.

40³. Фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, жинси ўзгарганлиги ёхуд ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар мавжудлиги аниқланганлиги муносабати билан хорижга чиқиш биометрик паспорти алмаштириладиганда фуқаро маълумотларни йиғиш пунктига ушбу ҳолатларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этади.

Ёзувларда ноаниқликлар ва хатоликларга маълумотларни йиғиш пункти ёки ДПМ ходимларининг айби билан йўл қўйилган тақдирда, фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини қайта расмийлаштириб берганлик учун давлат божи ундирилмайди.

40⁴. Хорижга чиқиш биометрик паспорти, хизматдан фойдаланувчининг хоҳишига кўра, амал қилиш муддати қанча қолганидан қатъи назар, исталган вақтда алмаштирилиши мумкин. Бунда хорижга чиқиш биометрик паспортини алмаштириш мазкур бобда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-боб. Хорижга чиқиш биометрик паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишни рад этиш асослари

40⁵. қуйидагилар хорижга чиқиш биометрик паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишни рад этиш учун асос бўлади:

а) ушбу Низомда назарда тутилган талаб этилувчи ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

б) агар шахс ўзи тўғрисида била туриб сохта ёки нотўғри маълумотларни тақдим этган бўлса;

в) қўл бармоқларининг изларини олиш тартиб-таомилидан бош тортилган ва кўзойнак тақиб ёки бош кийим, ташқи кўринишга таъсир қилувчи ашёлар билан суратга тушиш истаги қатъий билдирилган бўлса;

г) агар шахсга нисбатан хорижга чиқишига тўсқинлик қиладиган шартнома, контракт мажбуриятлари амал қилаётган бўлса, ушбу мажбуриятларнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунига қадар;

д) агар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса — иш юзасидан узил-кесил суд қарори ёки бошқа қарор қабул қилингунга қадар (суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма хати асосида);

е) агар шахс ички ишлар органларининг маъмурий назоратида бўлса — назорат тўхтатилгунгача (маъмурий назоратни амалга оширувчи органнинг ёзма хати асосида);

ж) агар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо ва шартли ҳукм қўлланилган бўлса — жазони ўтаб бўлгунгача ёки жазодан ва шартли ҳукмдан озод қилингунга қадар (жазони ижро этувчи органнинг ёзма хати асосида);

з) агар шахсда суд томонидан юкланган ижро этилмаган мажбуриятлар бўлса — мажбуриятлар ижро этилгунга қадар, вояга етмаган болаларни таъминлаш учун алиментлар олдиндан тўланганлиги Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг маълумотномалари билан тасдиқланган ҳолатлар бундан мустасно;

и) агар шахсга нисбатан ваколатли органларнинг мазкур шахс хорижга чиқиши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи ахбороти мавжуд бўлса;

Хорижга чиқиш биометрик паспортини бериш бўйича давлат хизмати-ни кўрсатишни ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа асослар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

40⁶. Хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилганидан кейин шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш фақат қонунда белгиланган ҳолларда амалга оширилиши мумкин. Фуқаронинг давлат чегараси орқали ўтиш ҳуқуқини чеклаш суриштирув, тергов ёки суд органлари қарори асосида чегара назорати бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

40⁷. Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштиришни ушбу низомнинг 40⁵ ва 40⁶-бандларида назарда тутилган асослар бўйича рад этиш ёки фуқароларнинг хорижга чиқишини чеклаш, шунингдек, хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштиришга доир давлат хизматини кўрсатиш тартибини бузиш юзасидан бўйсунтириш тартибида юқори турувчи органга ёхуд бевосита судга шикоят қилиниши мумкин.»

6. 5-боб қуйидаги таҳрирдаги 5-6-боблар билан алмаштирилсин:

«5-боб. Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштиришга доир алоҳида тартиботлар

49. Давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан хабардор фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш Давлат хавфсизлик хизматининг тегишли органлари билан келишилади.

Давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан хабардор фуқароларнинг хорижга чиқиш биометрик паспортлари давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш ёки махфий-режим бўлинмаларида сақланади.

Давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан хабардор фуқаролар хориждан қайтиб келганларидан кейин хорижга чиқиш биометрик паспортини давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш ёки махфий-режим бўлинмаларига топшириши шарт.

50. Давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш ёки махфий-режим бўлинмаларида сақланаётган хорижга чиқиш биометрик паспортларининг амал қилиш муддати тугагач, белгиланган тартибда йўқ қилиш учун миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига жўнатилади.

51. Давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш ёки махфий-режим бўлинмаларида сақланаётган хорижга чиқиш биометрик паспортлари меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин Давлат хавфсизлиги хизматининг тегишли органлари билан келишган ҳолда фуқароларга қайтариб берилади.

52. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган ҳарбий хизматчиларнинг хорижга чиқиш биометрик паспортлари бўлмаса, шунингдек, уларга хорижга чиқиш биометрик паспорти бериш зарурати билан боғлиқ бошқа ҳолатларда хорижга чиқиш биометрик паспортлари вазирликлар ва идораларнинг ёзма илтимосномалари асосида ушбу Низомда белгиланган тартибда миграция бўлинмалари томонидан берилади.

53. Яроқсиз ҳолга келтирилган ёки йўқотиб қўйилган хорижга чиқиш биометрик паспортларини янгисига алмаштириш ушбу Низомда назарда тутилган умумий тартиблар асосида маълумотларни йиғиш пунктлари томонидан амалга оширилади.

54. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолатга келтирилган хорижга чиқиш биометрик паспортларини алмаштиришга оид муружаатлар бўйича тегишли ваколатли органлар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибта омиллар амалга оширишлари учун хабардор қилинади.

Ушбу тоифадаги сўровномаларни кўриб чиқиш муддати истисно тариқасида яна ўн иш кунигача узайтирилиши мумкин.

55. Топиб олинган хорижга чиқиш биометрик паспорти маълумотларни йиғиш пунктларига топширилади.

56. Вафот этган фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспорти фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига топширилади, мазкур орган хорижга чиқиш биометрик паспортини кейинчалик йўқ қилиш учун тегишли миграция бўлинмасига жўнатади.

57. Қамокқа олинган ёки озодликдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликни чеклаш жазоси тайинланган ва шартли ҳукм қўлланилган шахслардан хорижга чиқиш биометрик паспорти суриштирув, тергов органлари, ички ишлар органларининг пробация бўлинмалари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Шахс қамокда қолдирилган ёки суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган тақдирда, хорижга чиқиш биометрик паспорти Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментига жўнатилади.

Қамокдан озод қилинганда ёки жазо муддати ўтаб бўлинганидан кейин хорижга чиқиш биометрик паспорти суриштирув, тергов органлари, ички ишлар органларининг жазони ижро этиш инспекцияси, суд томонидан ёхуд жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан эгасига (жазони ижро этиш муассасасидан чиқиб кетаётган вақтнинг ўзида) қайтариб берилади.

Хорижга чиқиш биометрик паспорти суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан ашёвий далил сифатида олиб қўйилган тақдирда (паспортни ашёвий далил сифатида сақлаб туриш даврида амал қилиш муддати ўтиб кетса), янги паспорт ваколатли органнинг олиб қўйиш ҳақидаги тегишли қарори тақдим этилгач, миграция бўлинмалари томонидан расмийлаштирилади.

58. Суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган хорижга чиқиш биометрик паспорти ички ишлар органлари томонидан тегишли миграция бўлинмасига йўқ қилиш учун жўнатиш мақсадида олиб қўйилганда, фуқарога унинг паспорти олиб қўйилганлиги ҳамда йўқ қилинганлиги ҳақида далолатнома берилади.

59. Текшириш, верификациялаш жараёнида ноаниқликлар ёки чегара (миграция) қайдлари, хориж визалари, рухсат берувчи ёзувлар сохталаштирилганлигини кўрсатувчи белгилар аниқланган биометрик паспорт ёки хорижга чиқиш биометрик паспорти, шунингдек, белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилган ёки суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган биометрик паспорт ёки хорижга чиқиш биометрик паспорти чегара назорати бўлинмалари томонидан тегишли вазирликлар ва идораларга жўнатиш учун олиб қўйилиши мумкин. Паспорт олиб қўйилган тақдирда, чегара назорати бўлинмаси томонидан фуқарога унинг паспорти олиб қўйилганлиги ҳақида далолатнома берилади.

60. Қуйидагилар тақиқланади:

ушбу Низомда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари фуқародан хорижга чиқиш биометрик паспортини олиб қўйиш;

хорижга чиқиш биометрик паспортини мажбуриятларни таъминлаш мақсадида гаров сифатида қабул қилиш ва топшириш.

61. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари хорижга чиқиш биометрик паспортининг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги тўғрисидаги суд ажримини Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларига маълумот учун юборади.

62. Доимий яшаш учун хорижга чиқишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган ўз ота-оналарининг ва турмуш ўртоғининг (биргаликда чиқиш ҳолатлари бундан мустасно), шунингдек, агар биргаликдаги никоҳдан вояга етмаган болалар бўлса, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган собиқ турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқланган розилиги, улар вафот этган ёки бедарак йўқолган ҳолларда эса вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ёки суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарорининг нотариал тасдиқланган нусхаси миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига тақдим этилади.

63. Доимий яшаш мақсадида хорижга чиқиш учун мурожаат қилган фуқарони миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси масъул ходими мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ огоҳлантиради.

Бунда, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар, агар улар доимий яшаш мақсадида хорижга чиқиш учун мурожаат қилган тақдирда, бу ҳақда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси томонидан электрон ахборот алмашинуви воситасида реал вақт режимида тегишли муҳофаа органлари хабардор қилинади.

6-боб. Ушбу Низом талабларини бузганлик учун жавобгарлик

64. Қонун ҳужжатлари билан қуйидагилар учун жавобгарлик белгиланади:

хорижга чиқиш биометрик паспортига атайлаб шикаст етказиш, шунингдек, хорижга чиқиш биометрик паспортини эҳтиётсизлик билан сақлаб, унинг йўқолишига сабаб бўлиш;

йўқолганлиги ҳақида ариза берилган хорижга чиқиш биометрик паспортдан, шунингдек, бошқа шахсга қарашли бўлган хорижга чиқиш биометрик паспортдан ғаразли мақсадларда фойдаланиш;

хорижга чиқиш биометрик паспортини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки уни гаров сифатида қабул қилиш;

хорижга чиқиш биометрик паспортига ғаразли ёки бошқа тубан ниётлар билан эга бўлиб олиш, шунингдек, уни йўқ қилиш, яроқсиз ҳолга келтириш, яшириш.

65. Жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёниши, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги оқибатида хорижга чиқиш биометрик паспорти йўқолганлиги ёки яроқсиз ҳолга келганлиги тўғрисида мурожаат этган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Бунда, жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан шахс бу ҳолатни тасдиқловчи тегишли ҳужжатни тақдим этади, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёниши, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги ҳолатини тасдиқ-

лаш зарурати бўлганда, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари томонидан сўров асосида қонунчиликда белгиланган ваколатли идоралардан маълумотнома олинади.

66. Маълумотларни йиғиш пункти ходимлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

67. Мурожаат қилувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

68. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ушбу Низомга мувофиқ, хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатилиши талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан, шу жумладан ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

69. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.»

7. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова қўйидаги мазмундаги 3 — 6-иловалар* билан алмаштирилсин:

* 3 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

213 Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3371*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4962-сон «Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Мудофаа вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва Транспорт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 4 июнь,
19-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 июнда эълон қилинган.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 2 июнь,
5-Q/Q-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 2 июнь,
11-2022-сон

Қурилиш вазири

Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 2 июнь,
2-сон

Транспорт вазири

И. МАХКАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 3 июнь,
6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 4 июндаги
19-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги
5-Q/Q-сон, Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги
11-2022-сон, Қурилиш вазирлигининг
2022 йил 2 июндаги 2-сон, Транспорт
вазирлигининг 2022 йил 3 июндаги
06-сон қарорига
ИЛОВА

**Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини
тайёрлаш марказларига фуқароларни қабул қилиш ва
ўқитиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларига (бундан буён матнда Марказлар деб юритилади) фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Марказларга муддатли ҳарбий хизматдан ва сафарбарлик чақируви резерви хизматидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатишган шахслар ҳамда меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ишсиз ва банд бўлмаган фуқаролар (бундан буён матнда талабгорлар деб юритилади) ўқишга қабул қилинади.

2. Марказларга талабгорларни ўқишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади. Танлов яқка тартибдаги суҳбат шаклида ўтказилади.

3. Талабгорлар танловда туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (бундан буён матнда АБКМ деб юритилади) томонидан берилган йўлланма асосида иштирок этади.

**2-боб. Марказда ўқиш истагини билдирган талабгорлар
рўйхатини шакллантириш**

4. Талабгорлар танловга йўлланма олиш учун доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидаги АБКМга ариза билан мурожаат қилади.

Бунда, ариза АБКМнинг масъул ходими томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат органлигига мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган «Бандлик хизмати» ахборот тизимига киритилади.

5. Ариза АБКМ томонидан икки иш куни ичида кўриб чиқилади ҳамда

талабгорга Марказга қабул қилиш учун ўтказиладиган танловда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланма берилади.

Бунда, талабгор мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган фуқаролар тоифасига кирмаса, АБКМ томонидан йўлланма бериш рад этилади.

Йўлланма бериш рад этилганда, мурожаат АБКМ томонидан асослан-тирилган тушунтириш билан талабгорга қайтарилади.

3-боб. Марказда ўқишга қабул қилишни ташкил этиш

6. Марказларга ўқишга қабул бўйича ҳар йиллик қабул параметрлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг асослан-тирилган буюртманомаларига биноан шакллантирилади ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

7. Қабул параметрларида Марказда ўқиш бошланадиган кун, йўналишлар бўйича қабул квотаси кўрсатилади.

8. Марказ томонидан навбатдаги ўқув курслари бошланишидан камида эллик кун олдин оммавий ахборот воситаларида ҳамда Марказ ташкил этилган профессионал таълим муассасасининг (бундан буён матнда профессионал таълим муассасаси деб юритилади) расмий веб-сайтида қуйидаги маълумотлар кўрсатилган эълон берилади:

ўқишга қабул қилиш учун ҳужжатлар қабул қилинадиган вақт;

ўқитиш ва тайёрлаш йўналишлари рўйхати;

Марказнинг манзили ва мурожаат учун телефон рақамлари.

9. Марказга қабул жараёнини ташкил этиш учун профессионал таълим муассасаси директорининг буйруғи билан камида уч кишидан иборат таркибда ишчи гуруҳ тузилади.

Бунда, Марказ бошлиғи ишчи гуруҳ раҳбари ҳисобланади.

10. Қуйидагилар ишчи гуруҳнинг вазифалари ҳисобланади:

талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш;

суҳбат ўтказиш жадвалларини тузиш ва тасдиқлаш;

қабул ва суҳбат ўтказиш билан боғлиқ ишларни ташкиллаштириш;

талабгорлар учун маслаҳатлар ташкил этиш.

11. Марказга ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш эълон берилган кундан бошлаб бир ой давом этади.

12. АБКМ томонидан йўлланма берилган талабгор танловда иштирок этиш учун тегишли профессионал таълим муассасасига мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

Бунда, аризага АБКМ томонидан берилган йўлланма илова қилинади.

Талабгорлардан мазкур бандда кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

13. Ҳужжатларни топширган талабгорга ишчи гуруҳ аъзоси томонидан ҳужжатларнинг қабул қилиб олинганлиги ҳақида тилхат берилади.

4-боб. Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш

14. Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш учун профессионал таълим муассасаси директорининг буйруғи билан камида беш кишидан иборат қўйидаги таркибда Танлов комиссияси тузилади:

комиссия раиси — профессионал таълим муассасаси директори (у бўлмаганда, унинг вазифасини бажарувчи шахс);

комиссия котиби — Марказнинг кадрлар бўйича инспектори;

комиссия аъзолари — тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда вилоят бандлик бош бошқармаси вакили, шунингдек Марказнинг масъул ходимлари.

Ишчи гуруҳ таркибига киритилган шахсларнинг Танлов комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

15. Танлов комиссияси ўз фаолиятини коллегиаллик, ошкоралик, ҳолислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

16. Якка тартибдаги суҳбат навбатдаги ўқув курслари бошланишидан ўн беш кун олдин бошланади ва ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида ўтказилади.

Бунда, якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жадвали профессионал таълим муассасасининг эълонлар тахтаси ва расмий веб-сайтида суҳбат бошланишидан камида беш кун олдин жойлаштирилади.

17. Талабгорлар якка тартибдаги суҳбат ўтказиладиган хонага навбат билан, биометрик паспорти ёки идентификация ID-картасини кўрсатган ҳолда киритилади.

18. Талабгорларнинг якка тартибдаги суҳбатга телефон ва бошқа алоқа воситаларини олиб кириши ҳамда улардан фойдаланиши тақиқланади.

19. Якка тартибдаги суҳбат бошланишидан олдин талабгорларга Танлов комиссияси аъзолари томонидан суҳбат ўтказиш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари тушунтирилади.

20. Якка тартибдаги суҳбат оғзаки шаклда Танлов комиссияси аъзолари томонидан талабгорга бериладиган саволларга жавоб бериш орқали амалга оширилади.

21. Танловда талабгорларга бериладиган саволлар рўйхати Танлов комиссияси томонидан қўйидаги тўртта йўналишлар бўйича шакллантирилади ҳамда комиссия раиси томонидан тасдиқланади:

қурилиш соҳасидаги умумий тушунчалар;

умумий дунёқарашнинг шаклланганлиги;

шахсий-касбий хусусиятлар (ўқишга қобилият, касбий вазифаларни ҳал қилишда амалий фаолият);

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган шахсларнинг улар бормоқчи бўлган давлатнинг тили, тарихи, анъаналари, урф-одатлари ва қонунчилиги бўйича базавий тушунчалар.

Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш давомида Танлов комиссияси аъзолари томонидан талабгорга юқоридаги ҳар бир йўналиш бўйича биттадан жами тўртта савол берилади.

22. Якка тартибдаги суҳбат шаффоф ўтказилишини таъминлаш мақсадида суҳбат жараёни аудио ва видеоёзувларда қайд этиб борилади.

23. Битта талабгор билан якка тартибдаги суҳбат 30 дақиқагача давом этиши мумкин.

Якка тартибдаги суҳбат натижалари 100 баллик тизимда баллар қўйиш йўли билан баҳоланади. Бунда, мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган ҳар бир йўналиш бўйича максимал балл 25 баллни ташкил этади.

24. Якка тартибдаги суҳбат натижалари қўйидаги мезонлар асосида баҳоланади ҳамда тўпланган баллар умумлаштирилади:

талабгор тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб топилганда — «15»дан «25» баллгача;

талабгор мустақил мушоҳада юритади, моҳиятини тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — «10»дан «14» баллгача;

талабгор моҳиятини қисман тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — «5»дан «9» баллгача;

талабгор билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга қисман эга деб топилганда — «1»дан «4» баллгача;

талабгор билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга эга эмас деб топилганда — «0» балл қўйилади.

25. Якка тартибдаги суҳбат натижаларини аниқлаш учун Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил ҳолда баҳолаш варақасини тўлдиради ва уни Танлов комиссияси котибига тақдим этади.

Танлов комиссияси котиби комиссия аъзолари томонидан талабгорга қўйилган ўртача баллни ҳисоблаб чиқади.

Якка тартибдаги суҳбат натижалари рейтинг тизими бўйича талабгорга қўйилган (0 дан 100 гача ораликдаги) баллар асосида аниқланади.

Танлов комиссияси баённомасида талабгорлар рўйхати камайиб бориш тартибида, энг юқори балл олган талабгордан бошлаб жойлаштирилади.

Якка тартибдаги суҳбат натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган талабгорлар тегишли қабул параметрлари доирасида Марказда ўқишга тавсия этилади.

26. Якка тартибдаги суҳбат жараёни ва натижалари Танлов комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланадиган ва раис томонидан тасдиқланадиган баённомада қайд этилади.

27. Якка тартибдаги суҳбат натижалари барча йўналишлар учун суҳбат яқунланган кундан бошлаб икки иш кuni ичида тегишли профессионал таълим муассасасининг эълонлар тахтаси ва расмий веб-сайтида эълон қилинади.

28. Ўқишга тавсия этилган талабгорлар билан профессионал таълим муассасаси ўртасида шартнома тузилади ва уларни ўқишга қабул қилиш тўғрисида профессионал таълим муассасаси директорининг буйруғи қабул қилинади.

29. Якка тартибдаги суҳбат натижалари юзасидан талабгорларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун Марказ ташкил этилган профессионал

таълим муассасаси тизимида бўлган вазирлик раҳбарининг буйруғи билан мазкур вазирликнинг ҳудудий бошқармасида камида беш кишидан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркибига тегишли вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ходимларидан вакиллар ҳамда соҳага оид малакали мутахассислар киритилади.

Ишчи гуруҳ ва Танлов комиссияси таркибига киритилган шахсларнинг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

30. Якка тартибдаги суҳбат натижаларидан норози бўлган талабгор суҳбат натижаси эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта муддат ичида Апелляция комиссиясига ёзма равишда апелляция шикоятни бериш ҳуқуқига эга.

31. Апелляция комиссияси тақдим этилган апелляция шикоятини у келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида апелляция шикоятни берган талабгор иштирокида кўриб чиқади.

32. Талабгорнинг эътирозларини кўриб чиқиш натижаси бўйича Апелляция комиссияси қўйидаги мазмундаги қарорлардан бирини қабул қилади:

эътироз асоссиз бўлса, апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш ва танлов натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

эътироз асосли бўлса, апелляция шикоятини қаноатлантириш ва танлов натижаларига ўзгартириш киритиш.

33. Апелляция комиссиясининг йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар баённома шаклида расмийлаштирилади.

5-боб. Марказда таҳсил олувчиларни ўқитиш

34. Марказда ўқитиш кундузги ўқиш шаклида амалга оширилади.

35. Марказларда қурилиш соҳасидаги касблар бўйича ўқитиш халқаро (жумладан «World Skills») стандартларга мувофиқ ҳамда потенциал хорижий иш берувчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, хорижий тиллар бўйича — етакчи маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасаларининг ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

Бунда, ҳар бир йўналиш бўйича ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

36. Таҳсил олувчилар қўйидаги ҳолларда ўқишдан четлатилади:

Марказ ички тартиб қоидаларини уч марта бузганда;

узрли сабабларсиз (тасдиқловчи маълумотномалар бўлганда, таҳсил олувчининг соғлиғи ҳолатининг ёмонлашганлиги узрли сабаб деб топилади) 36 соатдан ортиқ дарс қолдирганда;

таҳсил олувчига нисбатан суднинг озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинлаш тўғрисидаги ҳукми қонуний кучга кирганда;

ўз хоҳишига биноан.

6-боб. Малакавий имтиҳонни ўтказиш

37. Таҳсил олувчиларнинг ўқиш жараёнида эгаллаган билимини ва ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўқув дастури яқунлангандан сўнг ўн кун ичида малакавий имтиҳон ўтказилади.

38. Тегишли профессионал таълим муассасаси директорининг буйруғи билан малакавий имтиҳонни ўтказиш бўйича Малакавий имтиҳон комиссияси тузилади.

39. Малакавий имтиҳон комиссиясига Марказ бошлиғи (у бўлмаганда, унинг вазифасини бажарувчи шахс) раислик қилади.

40. Малакавий имтиҳон комиссиясига ҳар бир йўналиш бўйича Марказнинг ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари, шунингдек тегишли ҳудуддаги АБКМнинг масъул ходимлари киритилади.

41. Малакавий имтиҳон назарий савол ва амалий топшириқ шаклида ўтказилади. Бунда имтиҳон билетда битта назарий савол ва иккита амалий топшириқ берилади.

Имтиҳон саволлари ва амалий топшириқлар ўқув дастури доирасида тузилади.

Малакавий имтиҳон саволлари ва амалий топшириқлари малакавий имтиҳон бошланишидан бир ой олдин профессионал таълим муассасасининг эълонлар тахтасига осиб қўйиш орқали ўқувчилар эътиборига етказилади.

42. Тегишли йўналишлар бўйича малакавий имтиҳонни ўтказиш жадвали имтиҳон бошланишидан камида ўн беш кун олдин Марказ бошлиғи томонидан тасдиқланади ва эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

43. Таҳсил олувчи назарий саволларга берган жавобларига қараб, қуйидаги мезонлар асосида «5» баллик тизимда баҳоланади:

таҳсил олувчи тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тўлиқ тушунади, билади ва айтиб беради деб топилганда — «5» балл;

таҳсил олувчи мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — «4» балл;

таҳсил олувчи моҳиятини қисман тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — «3» балл;

таҳсил олувчи билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга эга эмас деб топилганда — «2» балл.

44. Таҳсил олувчининг амалий топшириқни бажариши қуйидаги мезонлар асосида «5» баллик тизимда баҳоланади:

таҳсил олувчи топшириқни тўғри ва тўлиқ, мустақил ҳамда амалий методик қўлланмалардан фойдаланмасдан бажарди деб топилганда — «5» балл;

таҳсил олувчи топшириқни тўғри ва тўлиқ, мустақил бажарди, бироқ тегишли амалий методик қўлланмалардан фойдаланди деб топилганда — «4» балл;

таҳсил олувчи топшириқни тўғри ва тўлиқ бажарди, бироқ тегишли методик қўлланмалардан ҳамда ишлаб чиқариш таълим устасининг оғзаки маслаҳатидан фойдаланди деб топилганда — «3» балл;

тахсил олувчи тегишли методик қўлланмалардан ҳамда устанинг оғзаки маслаҳатидан фойдаланган ҳолда топшириқни тўғри ва тўлиқ бажара олмаган деб топилганда — «2» балл.

45. Таҳсил олувчи томонидан назарий саволга жавоб берилгандан ҳамда амалий топшириқ бажарилгандан сўнг, Малакавий имтиҳон комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан мустақил баҳоланади. Комиссия аъзолари томонидан қўйилган баҳолар муҳокама қилиниб, таҳсил олувчига ўртача арифметик балл қўйилади.

46. Малакавий имтиҳон натижалари имтиҳон якунланган куннинг ўзида таҳсил олувчиларга эълон қилинади.

47. Ўртача арифметик балли «3» баллдан кам бўлган таҳсил олувчи малакавий имтиҳондан ўтмаган ҳисобланади.

48. Малакавий имтиҳондан муваффақиятли ўтган (ўртача арифметик балли «3» ва ундан юқори бўлган) таҳсил олувчиларга Малакавий имтиҳон комиссияси қарорига асосан Вазирлар Маҳкамасининг «Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг давлат намунасини тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 19 ноябрдаги 734-сон қарорининг 3-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилган сертификат берилади.

49. Малакавий имтиҳондан ўтолмаган таҳсил олувчиларга Малакавий имтиҳон комиссияси қарорига асосан имтиҳонни икки марта қайта топшириш имконияти берилади.

Малакавий имтиҳонни қайта топшириши лозим бўлган таҳсил олувчилар рўйхати, қайта топшириш куни ва вақти Малакавий имтиҳон комиссияси қарориди кўрсатилади.

50. Малакавий имтиҳонни икки марта қайта топширишда ҳам қониқарсиз натижа кўрсатган таҳсил олувчига сертификат берилмайди.

Бунда, Марказ томонидан ушбу таҳсил олувчилар Марказда таҳсил олганлиги тўғрисида тегишлилиги бўйича АБКМларга маълумотнома тақдим этилади.

51. Малакавий имтиҳон натижасидан норози бўлган таҳсил олувчилар профессионал таълим муассасаси директорининг буйруғи билан тузиладиган Апелляция комиссиясига малака имтиҳони натижаси эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта муддат ичида апелляция шикоятни бериш ҳуқуқига эга.

52. Апелляция комиссияси таркибига Малакавий имтиҳон комиссияси фаолиятида иштирок этмаган шахслар орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.

53. Апелляция шикоятни Апелляция комиссияси томонидан бир иш куниди таҳсил олувчининг иштирокида кўриб чиқилади.

54. Таҳсил олувчининг эътирозларини кўриб чиқиш натижаси бўйича Апелляция комиссияси қўйидаги мазмундаги қарорлардан бирини қабул қилади:

эътироз асоссиз бўлса, апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш ва малакавий имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

эътироз асосли бўлса, апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳамда

тахсил олувчига сертификат расмийлаштириш учун Малакавий имтиҳон комиссиясига тегишли хулосасини юбориш.

55. Апелляция комиссиясининг йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар баённома шаклида расмийлаштирилади.

7-боб. Яқуний қоида

56. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Қурилиш соҳаси малакали
мутахассисларини тайёрлаш марказларига
фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказига ўқишга қабул қилиш бўйича АРИЗА

_____ (профессионал таълим муассасасининг номи)

директори _____ га

_____ (яшаш манзили)

_____ да яшовчи

_____ (ариза берувчининг Ф.И.О. тўлиқ ёзилади)

_____ дан

АРИЗА

Мени _____ касб йўналиши
(касб номи)

бўйича _____ қурилиш
(Марказ жойлашган ҳудуд)

соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказига ўқишга қабул қилишнингизни сўрайман.

Маълумоти _____,
(ўрта, ўрта махсус, олий) _____ (тугатган таълим муассасаси номи)

_____ ни _____ йилда тугатганман.

Якка тартибдаги суҳбат ўтказиладиган тил _____

Туғилган вақти ва жойи: _____ йил «__» _____

Рўйхатдан ўтган яшаш манзили: _____

(биометрик паспорти ёки идентификация ID-картаси бўйича доимий турар жойи
(республика, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, овул, кўча хонадон рақами) тўлик
кўрсатилади)

Биометрик паспорт ёки идентификация ID-карта маълумотлари:

(серияси, рақами, ким томонидан ва қачон берилган)

Боғланиш учун телефон:

_____.

_____ (ариза берувчи шахснинг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

20__ йил «____» _____
(ариза топширилган сана)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

214 «Ўзбекистон Республикаси риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2652-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2021 йил 24 июлдаги ПК-5197-сон «Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 31 декабрдаги 01/27-26/30-сон «Ўзбекистон Республикаси риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2652, 2015 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 5-сон, 60-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. ОРТИКОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 3 июнь,
01/11-14/18-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
давлат активларини бошқариш агентлиги
директорининг 2022 йил 3 июндаги
01/11-14/18-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг
миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк
объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини
ташкил этиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Қарор муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сон «Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Иловада:

а) муқаддимадан «Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сон «Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 4-банд қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларнинг кўчмас мулкларини реализация қилиш «E-auction» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион йўли билан амалга оширилади»;

в) 12-банднинг учинчи хатбошиси ва 34-банднинг учинчи хатбошисидаги «паспорт нусхаси» деган сўзлар «паспорт ёки идентификация ID-картаси маълумотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси билан келишилган.

Келишилди:

*Риэлторлик ташкилотлари
уюшмаси ижрочи директори*

А. АЛИЕВ

2022 йил 2 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

215 «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПФ-75-сон «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 июлдаги 10-мҳ-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3065, 2018 йил 5 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 36-сон, 731-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 9 июнь,
7-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил
9 июндаги 7-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

«Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тadbирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Буйруқ муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3583-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3583-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 6-банднинг учинчи хатбошиси «ўқувчининг паспорти ёки» деган сўзлардан кейин «идентификацияловчи ID-картаси ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 4 июндаги 19-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги 5-Q/Q-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги 11-2022-сон, Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги 2-сон, Транспорт вазирлигининг 2022 йил 3 июндаги 06-сон «Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларига фуқароларни қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3371.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2022 йил 3 июндаги 01/11-14/18-сон «Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2652-3.

3. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 9 июндаги 7-мх-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065-3.